

Жиноят ишлар бўйича Жиззах вилоят суди Раёсатига

Жиззах вилояти, жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2014 йил 15 январда чиқарган қароридан норози бўлиб, ҳуқуқбузар деб топилган Нурова Намуна Низомовна томонидан

ШИКОЯТ

(Кассация тартибида)

2014 йил 10 январда Зомин туман ИИБ ходимлари жамоат жойларида ибодат либосида юрганлигимни иддао қилиб далолатнома расмийлаштирди.

2014 йил 15 январда № 00 сонли ишда жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди Қ.Қозиев раислигида Зомин туман ички ишлар бўлимидан келиб тушган маъмурий ишни кўриб чиқиб, мени жамоат жойида ибодат либосида юрган ва натижада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 184¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топди.

Мен жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди қарорининг мени ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топган қисмидан қуйидаги сабабларга кўра норозиман:

1. Жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди менинг ишимни ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда кўриб чиқмади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 3-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги каби тамойилларга асосланиши белгиланган. Мазкур Кодекснинг 269-моддасига биноан эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифаларига ишни ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда кўриб чиқиш керади.
Суд мен кийган кийим нима сабабдан «ибодат либоси» ҳисобланишини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб бермади. Кодекснинг 184¹-моддаси асосида маъмурий жавобгарликка тортиш учун суд «ибодат либоси» тушунчасига таъриф бериши ва менинг кийимим нима сабабдан «ибодат либоси» ҳисобланишини кўрсатиб бериши керак эди.
Суд тегишли эксперт ёки мутахассислар хулосасини эътиборга олиб қарор чиқариши лозим эди.
Юқоридаги сабабларга кўра, ушбу қарор асоссиз деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 321-моддасига асосан бекор қилиниши керак деб ҳисоблайман.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича кўмита жамоат жойларида ҳижоб билан юриш ҳақида фуқаролардан тушган саволларга, «Исломи шариатида «махсус диний либос», «ибодат кийими» деган тушунча мавжуд эмас», «Диний қоидалар беркитишни талаб қилган аъзоларни ёпиб турувчи кийимни шахс барча ҳолатларда, жумладан ибодат пайтидан ҳам кийиши мумкин», деб тушунтириш берган.

3. Диний эътиқодга кўра кийиниш ҳар бир кишидаги мавжуд виждон эркинлигининг ажралмас қисмидир. Ҳижоб мусулмон аёллар учун номаҳрам эркаклар ҳузурда доимо кийиш лозим бўлган либос ҳисобланади¹. У фақат ибодат пайти кийиладиган кийим бўлмай, балки мусулмон аёл учун диний амалларнинг ажралмас бир қисмидир². Ислом дини қоидалари талаб қиладиган, аёллар учун номаҳрам эркаклардан тўсиш лозим бўлган аъзоларни ёпиб турувчи кийим кийиш менинг виждон эркинлигим, конституциявий ҳуқуқимдир.
4. Виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида қафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон ҳудудида Конституция ва қонунларнинг сўзсиз тан олинишини мустаҳкамлайди. Қолаверса, Конституциянинг 16-моддаси бирорта ҳам қонун ёки норматив ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгилаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 323-моддасига асосан,

Сўрайман:

Жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2014 йил 15 январда чиқарган қарорини бекор қилишингизни.

Илова:

1. Жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2014 йил 15 январдаги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Диний ишлар бўйича кўмитанинг «ибодат либоси»га тушунтириш берган ҳолда менга йўллаган мактуби (агар шундай мактуб олган бўлсангиз).

2014 йил 16 январь

Н.Нурова

(Имзо)

¹ Ислом энциклопедияси. Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида, Тошкент, 2004 йил.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. www.islom.uz, Зикр ахлидан сўранг.
<http://islom.uz/savollar/smf/index.php?topic=24693.0>